

А Ж Р И М

(Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2020 йил октябрь ойининг “2” куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи Н.Мирзажонов, судья ёрдамчиси Ж.Рустамовнинг котиблигида, тарафлардан Учкўприк туман прокурори А.Тухтасинов, гумон қилинувчи Р.Иброхимов - унинг химоячиси адвокат А.Эргашев, жабрланувчи М.Тошболтаевларнинг иштирокида,

Иброхимов Рашиджон Ислонжон ўғли (Ibrohimov Rashidjon Islomjon o'g'li), 1994 йил “26” март куни Кўкон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Учкўприк тумани, Тўксонқовун МФЙ, Тўксонқовун қишлоғи, 69-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид №1-1518-2001/124-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тўпланган ҳужжатларга кўра, гумон қилинувчи Р.Иброхимов, 2020 йил 8 сентябрь куни соат 08:30ларда Учкўприк туманида жойлашган “Фаровон олий мақсад” номли ғишт ишлаб чиқариш заводида ўзи билан аввалдан таниш бўлган жабрланувчи М.Тошболтаев билан юк ташувчи автомашинасида ғишт олиш учун навбат талашиб, ўзаро жанжаллашиб қолишган, жанжал давомида Р.Иброхимов қўлида бўлган ғишт бўлағи билан М.Тошболтаевни бош қисмига бир маротаба қасдан уриб, тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил “9” сентябрь кунги №4424-сонли хулосасига кўра, бош мия чайқалиши, бошени тепа соҳасида эзилиб-йиртилган яраси, ўнг сон-чанок бўғимида қонталаши бўлиб, бу тан жароҳатлари олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга соғлигини бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига кириши аниқланган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Р.Иброхимов ва жабрланувчи М.Тошболтаевлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганлик муносабати билан тугатишни сўраган.

Учкўприк туман ИИБ суриштирувчисининг 2020 йил 25 сентябрь кунги қарорига кўра, гумон қилинувчи Р.Иброхимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини хал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Р.Иброхимов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир

тазйиксиз ярашиб олганлиги хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Жабрланувчи М.Тошболтаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Р.Иброхимовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда ўзининг соғлиғи яхши экани, аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи М.Тошболтаев ва гумон қилинувчи Р.Иброхимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, Учкўприк туман прокурори А.Тухтасинов ва ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш хақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Р.Иброхимовни айбига иқроорлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тайзиқ бўлмаганлигини, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан ихтиёрий тузилганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Р.Иброхимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Тошболтаевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушинтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Иброхимов Рашиджон Ислонжон ўғли (Ibroximov Rashidjon Islomjon o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Тошболтаевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Ажрим аслига туғри,

Жиноят ишлари бўйича

Учкўприк туман суди раиси

Н.Мирзажонов

